O‘ZBEKISTON QISHLOQ XO‘JALIGI

ISSN 2181-502X

2017 йил, 2-сон

Scanned by CamScanner

зилган уруғлари берилиши, яъни янги навларнинг дастлабки уруғчилиги селекцион ташкилотларда кенг қамровда амалга оширилиши, шунингдек, элита уруғларини етиштиришда, нафақат муаллифлик назорати, балки олимларнинг бу борада бевосита иштирок этишлари лозим.

Навларни жойлаштириш –бу навлар ва нав агротехник тадбирларини танлаш механизмидир. Навларни жойлаштириш билан пахтачиликдаги муаммоларни тўлалигича ҳал этиб бўлмайди.

Бунда комплекс ёндашув, яъни ташкилий ва агротехник тадбирлар, юқори дала маданияти, алмашлаб экиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги ва вилт билан зарарланганлиги (замбуруғнинг тури ва рассаси) каби жиҳатлар ҳисобга олиниши керак. Муҳими, бунда навлар бўйича экин майдонларини кенгайтириш ёки қисқартириш ишлари олдиндан режалаштирилиши лозим. Навларни жойлаштиришда истиқболга мўлжалланган режага амал қилинса, уруғлик экин майдонларида ўтказиладиган барча тадбирларнинг аҳамиятини янада ошириб, нав тозалиги ва ҳосилдорлиги юқори ҳамда эртапишар бўлган уруғлик экин майдонларини тўғри танлаш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, навларни жойлаштиришда истиқболга мўлжалланган ва ҳар йили қўшимча ва ўзгартириш киритиб бориладиган режалаштириш уруғчиликни ташкил қилишни тартибга солувчи реал йўналишдир.

Навларни жойлаштиришда илмий асосланган ёндошувнинг яна бир муҳим омили бу — ҳар бир конкрет пахтачилик минтақаси бўйича самарали ҳарорат ва ёруғлик даври йиғиндисининг кўп йиллик метеорологик маълумотлардан фойдаланишдир. Шу маълумотлардан янги навларни баҳолаш ва навларни жойлаштиришни режалаштиришда кенг фойдаланиш зарур.

Кўпнавлиликнинг асосий сабаби навларнинг сони эмас, балки нав экин майдонларининг бир-биридан тарқоқ ҳолда жойлаштирилишидадир. Шу боис бир вилоятда жойлаштирилган нав тарқоқ ҳолда эмас,балки яхлит бир табиий минтақада жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Навларни вилоятлар маъмурий чегаралари доирасида эмас, балки вилоятлар тупроқ-иқлим минтақалари бўйича районлаштиришни йўлга қўйишга эътибор бериш зарур. Чунки, ҳар бир вилоят ҳар хил тупроқ-иқлим минтақаларидан иборат эканлигини ҳисобга олсак, навларни вилоятлар бўйича районлаштириш, шу навни етиштириш учун ноқулай бўлган минтақага тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун вилоятлар обҳаво, тупроқ ва иқлим минтақаларини ҳисобга олиб, навларни тўғри жойлаштирган ҳолда етиштириш технологияларини қўллаш юқори, эртаги ва сифатли ҳосил ҳамда тўлақонли уруғлик олишни белгилайди.

А.НАРИМАНОВ,
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси бўлим бошлиғи қ.х.ф.д.,
Ж.АБДУРАЙМОВ,
тадқиқотчи.

Мутахассис таклифи

ТУПРОҚ ОСТИ ЗИЧЛАНГАН ҚАТЛАМНИ ЮМШАТИШ

Маълумки, тупроқнинг зичланиши ҳар қандай экин ниҳолларининг ривожланишини сусайтириб, ҳосилдорлигини кескин пасайишига олиб келади.

Тупроқнинг зичланишига энг юқори даражада таъсир этувчи омиллардан бири - бу қишлоқ хўжалиги агрегатларини дала бўйлаб ҳаракати ҳисобланади. Ҳар сафар агрегат дала бўйлаб юрганда (ер ҳайдаш, тирмалаш, молалаш, уруғ экиш, қатор



1-расм. Тупроқни бир хил чуқурликда қайта-қайта ҳайдалиши натижасида зичланган тупроқ қатламини ҳосил бўлиши

ораларига ишлов бериш ва ҳакозо) тупроқнинг зичланиши ортиб боради.

Шу билан бирга фермер хўжаликларининг экин майдонларини кенгайиб бориши катта ўлчамли, оғир тракторлар ва комбайнлардан фойдаланишни тақозо этади. Бу ҳам тупроқни янада зичлантиради.

Айниқса, ҳар йили ер ҳайдаш ишлари бир хил чуқурликда бажарилганда ҳайдалган тупроқнинг ости қисмида ўта зичланган қаттиқ қатлам ҳосил бўлиши натижасида унинг юқори ва пастки қисмида жойлашган тупроқ қатламлари орасида ўзаро табиий жараёнларни ўзгаришига олиб келади (1-расм).

Сунъий равишда ҳосил қилинган зичлашган қатлам тупроқда йиғилган намликни тупроқ остига чуқурроқ кириб боришига тўсқинлик қилиши натижасида у орқага қайтиб ҳавога тезроқ парланиб кетишига сабаб бўлади. Оқибатда ўсимликларни парваришлаш даврида табиий шароитга нисбатан 1,5-2,0 маротаба тезроқ чанқаши ва уларнинг ривожланишини секинлашига ва ҳосилдорлигини кескин пасайишига олиб келади.

Тупроқ ости зичланишининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида:

- ҳайдов чуқурлигини ҳар йили ўзгартириб турилиши, яъни бир йил чуқурроқ, иккинчи йили саёзроқ ҳайдашни ташкил этиш;
- ҳайдаладиган майдонларни 2-3 йилда бир маротаба, дала четларини эса ҳар йили ГРП-3/5 русумли чуқур юмшатгичлар (2-расм) билан 45-50 см чуқурликда юмшатиб туриш юқори натижа беради.

Юқоридаги тадбирларни сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилиши тупроқда кўплаб нам тўпланиши, ўсимликларнинг яхши ривожланиши ва серҳосил бўлиши ҳамда шўрланган ерлар шўрининг сифатли ювилишини таъминлаш билан бир қаторда механизациялаштирилган ишларни бажаришда ёнилғи сарфини камайтирилишига эришилади.



2-расм. ГРП-3/5 русумли чуқур юмшатгич билан тупроққа чуқур ишлов бериш

С.АЛИҚУЛОВ,
ТошДАУ.

Scanned by CamScanner

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий, илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброл ВАХАБОВ
Музаффар ФАЙЗИЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Саидкул АРАБОВ
Яшин ХИДИРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норқул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил, №2. Февраль

Журнал 1922 йил октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкилотлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — бош мезон 1
Б.ТОШНАЗАРОВ. Мулоқот ва манфаатлар уйғунлиги 2
Деҳқон далага отланди 3
Ж.АБДУРАЙИМОВ. Уруғлик чигитни сифатли тайёрлаш ва сақлаш 5
А.НАРИМАНОВ, Ж.АБДУРАЙИМОВ. Ғўза навларини тўғри жойлаштириш мўл ҳосил гаровидир 6
С.АЛИҚУЛОВ. Тупроқ ости зичланган қатламни юмшатиш 7
Р.СИДДИҚОВ, Ў.МАХМУДОВ. Кузги ғалла экинларини февраль ойида парваришлаш 8
Х.ЮСУПОВ, Р.СИДДИҚОВ, Б.ХАЙДАРОВ, М.ЖЎРАЕВ. Омилкорлик даромад келтирар 9
Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Эрта эккан, эрта йиғади 11
Р.АБДУЛЛАЕВ. Мевали дарахтлар кўчатларини экиш 13
Р.АБДУЛЛАЕВ, М.ИСРОИЛОВ. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ёнғоқ мевали дарахтлар парвариши 14
Г.ФАҚИРОВА. Фермер васиятига кўра 15
Манзарали дарахтлар 16
Х.АБДУЛЛАЕВА. Плёнка остида кулупнай етиштириш — мўмай даромад манбаи 17
М.ТОШБОЛТАЕВ, И.ТЎЛАНОВ. Трактор ва тиркамаларни таъмирлаш сифати 18
А.САТТАРОВ. Куч — билим ва тафаккурда 20
Б.ДУШАНОВ. Қишлоқ аҳолиси учун арзон ва шинам уйлар 21
С.РУСТАМОВ. Банк ходими мижоз хузурида 22
Я.ХУСАНОВ. "Узагролизинг" деҳқоннинг энг яқин кўмакчиси 23
К.ЭРГАШЕВ. Меҳнатга яраша даромад 24
Тажрибаларга таяниб 25
Томорқадан бошланган тадбир 26
Боғи борнинг тоғи бор 27
Ф.МИРЗАЕВ. Сара уруғ – мўл ҳосил замини 28
Чўлни бўстон этаётганлар 29
Х.КАРИМОВ. Меҳнати қадрланган ирригатор 30
Деҳқон билан ҳамнафас 31
Интилганнинг парвози баланд 32
Қ.АДИЛОВ. Иссиқхоналар: бугун ва эртага 33
Ш.ЖАББОРОВА. Чорвадорлар кўмакчиси 34
Д.НИЗАМОВ. Самарали, тежамкор янги технология 35
Х.ЭРГАШЕВА. Барқарор ривожланиш мақсадлари 36
М.ТОИРОВ. Орошение — первоочередная задача в освоении земель 37
С.РАХМОНКУЛОВ, Х.ЖАЛОЛОВ, Ҳ.МАРДАНОВ. Экстремал шароитларга бардошли ғўза навларини жорий этиш – замон талаби 38
А. МАХМАТМУРОДОВ, Э.УМУРЗАКОВ. Качество зерна кукурузы и ее изменение под влиянием фосфорного питания 39
Қ.МИРЗАЖОНОВ, Ғ.САТИПОВ, Р.РАХМОНОВ. Алмашлаб экишда беданинг ўрни 40
А.ҚАРШИЕВ, И.ХАЙИТОВ. Истиқболли олма навларини танлаш ва ажратиш 41
Б.ЭШОНКУЛОВ. Сифатли уруғлик картошка етиштириш 42
Ч.РИЗАЕВ. Уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби 43
И.НОСИРОВ. Экологик менежментнинг назарий ва услубий асослари 44
М.ТОИРОВ. Шижоатдан бўстон яралгай 45
Академик Шукур Ибрагимов — 90 ёшда 46
Т.ДОЛИЕВ. Ўзбек лимончилиги асосчиси 47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-уй.
Тел/факс: 241-50-21, 241-30-31,
241-30-92, 241-61-07.
www.qxjurnal.uz
E-mail: **qxjurnal@qsxv.uz,**
uzqx_jurnal@mail.ru

© **«O'zbekiston qishloq xo'jaligi»**

Босмахонага топширилди: 2017 йил 31 январь. Босишга рухсат этилди: 2017 йил 1 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №020. Нусхаси 5000 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Х.МИРЗАЕВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**

Scanned by CamScanner